(тахм. 1797-1845-йиллар)
(1842-1845)

Кўкон хони. 1842-йил Бухоро амири Насрулло Кўконни босиб олиб Иброхим Хаёлни ноиб этиб тайинлаб кетади. Унинг зулмидан норози боғлган кўконликлар кўзголон коғтарадилар ва хон авлодларидан боғлмиш Шералини Кўкон хони деб эълон киладилар. Шералихон кўзголонга рахбарлик килади. Кўзголончилар Кўконга кирадилар ва Бухоро кўшинини тор-мор келтирадилар. Иброхим Хаёл Бухорога кочган. Шералихон Бухоро амири Кўконга янги юриш уюштириши мумкинлигини билиб, кабила ва харбий бошликлар, аминлар, оксоколлар ва обрўйли, нуфузли арбоблар кенгашини чакириб, унда шошилинч равишда милтик, килич, тўсиклар тайёрлашга карор килинган. Кўкон атрофида тоғсик ва кўргонлар барпо килишга киришилган, лекин курилиш нихоясига етмай, Бухоро кўшини Кўконга якинлашиб шахарни камал килади. Бухоро кўшинлари теварак-атрофдаги кишлокларни вайрон этилади, лекин шахарни эгаллай олмайди. Кўкон мудофаасида аёллар хам фаол иштирок этадилар. Насрулло 40 кунлик камалдан соғнг Бухорога кайтиб кетган.
Шералихон ўгли Абдурахмонбекни амири лашкар килиб тайинлаб, уни Тошкентни забт этиш учун юборади. Кўшинлар Сирдарёдан ўтиб, Курамага келганда Хоғжанд хокими Худоёрбой ахволни аниклаб, амир Насруллога хоинлик килади ва Шералихоннинг олий хокимиятини тан олади. Кўкон хони унга Хўжанд вилояти хокимлигини тортик килади. Кўкон ва Тошкент кўшинлари оғртасидаги жангдан соғнг Тошкент ва Дашти Кипчок забт этилиб, кайтадан Кўкон хонлиги таркибига киритилган.
Шералихон даврида хоннинг солик сиёсатига карши халк кўзголонлари боғлиб турган. Шералихоннинг мустакил равишда хокимиятни бошкаришга интилиши кипчоклар рахнамоси Мусулмонкулнинг каршилигига учрайди. Мусулмонкул исён кўтариб, Исфара хокими Сотиболдибекни хат билан собик Кўкон хони Олимхоннинг ўгли Муродбекнинг олдига юборади ва уни Кўкон хонлигининг тахтини эгаллашга таклиф этади. Ўшда кўзголон бошланганидан хабар топган Шахрихоннинг хокими, Мусулмонкулнинг режасини билмаган холда, тезда кўшин тўплаб, Ўш кўголонини бостиради. Аммо Мусулмонкул оғз режасини бажариш учун Ўшга кўшин билан бориб, кўзголонда иштирок этганларни бешафкат жазолаб ва конга ботириб, 5-10 минг кишини асирга олади. Кўзголон рахбари Мулла Юсуф хам кўлга олиниб Ўшда дорга осилади.
Бу вактда эса Муродбек Кўконга келиб, Шералихон хузурига киради. Шералихон вазиятни англаган холда унга тахтни топширади. Мусулмонкулнинг содик одамлари тунда Шералихонни катл этишади.